

А. Алимжанов, Б. Қўрғонбоев
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

ХУСУСИЙ БИЗНЕСДА ТАШҚИ САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА МОЛИЯВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ (ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДАГИ БИЗНЕСЛАР МИСОЛИДА)

***Аннотация:** Мазкур мақолада хусусий бизнесда ташқи савдони ривожлантириш ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларини хизматлар соҳасидаги корхоналар мисолида ўрганишда иқтисодий-назарий асослар эътибор қаратилган. Хусусий бизнесда ташқи савдони ривожлантириш ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари баъзи хизматлар соҳалари асосида бир қатор таҳлилар амалга оширилган. Амалга оширилган таҳлилар асосида хулосалар берилган.*

***Калит сўзлар:** хусусий бизнес, ташқи савдо, молиявий қўллаб-қувватлаш, хизматлар соҳаси, экспорт.*

DEVELOPMENT OF FOREIGN TRADE AND FINANCIAL SUPPORT IN PRIVATE BUSINESS (FOR EXAMPLE OF BUSINESSES IN THE FIELD OF SERVICES)

***Abstract:** This article focuses on the economic and theoretical foundations of the study of foreign trade development and financial support in private business on the example of enterprises in the service sector. Issues of foreign trade development and financial support in private business have been analyzed on the basis of some service sectors. Conclusions are given based on the performed analysis.*

***Key words:** private business, foreign trade, financial support, service sector, export.*

Кириш

Республикаимизда амалга оширилаётган жадал ислохотларнинг ҳозирги босқичида бизнесни ривожлантиришга муносиб шарт-шароитлар яратиш, иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш эвазига узлуксиз иқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётда эришилаётган ютуқларнинг асоси, мулк шакллариининг турлитуманлиги, иқтисодиётдаги кескин тузилмавий ўзгаришлар ва модернизациялашувнинг жадаллашуви, бизнес муҳитини янада яхшиланиши, кичик бизнес ва хусусий бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг

ортиб бориши билан баҳоланмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 22 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномасида “Тадбиркорлар ҳамжамияти нопок тадбиркорларга нисбатан мурасасиз бўлиши лозим. Уларга нисбатан биринчи навбатда давлат эмас, балки тадбиркорларнинг ўзлари муносабат билдирадиган ва ушбу муҳит софлигини таъминлайдиган тизим яратишимиз керак” [1], дея таъкидлаган.

Бозор иқтисодиёти шаротида иқтисодиётни модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш, хусусий бизнес фаолияти самарадорлигини оширишда тадбиркорлар учун мамлакатимизда яратилган ва яратилаётган муҳитни янада яхшилаш бугунги кунда мамлакат иқтисодиётини олдида турган муҳим масалалардан биридир. Хусусан, мулкчиликнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деб эътироф этилаётган кичик бизнес ва хусусий бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг истиқболлини белгилаш, ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва шу соҳада илмий жиҳатдан асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ўта муҳимдир. Чунки бозор муносабатларини такомиллаштиришда, иқтисодиётни янада эркинлаштиришда бизнес фаолияти учун муносиб шарт-шароитлар, алоҳида хусусиятга эга махсус бизнес муҳитини яратиш мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, унинг натижасида мамлакат бюджети барқарорлигини таъминлаш, ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби долзарб муаммоларини ҳал қилишга замин яратади. Хусусий бизнесни янада ривожлантириш учун маълум шарт-шароитларнинг яратилиши, солиқ, божхона ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзларнинг белгиланиши, банк кредитларидан самарали фойдаланиш натижасида қисқа вақт ичида кичик бизнес ва хусусий бизнес субъектларини сони ортиб бормоқда. Хусусий бизнесни янада ривожлантиришга ва улар учун алоҳида махсус муҳит сифатида юртимизда ташкил этилаётган Эркин иқтисодиёт зоналарни ва уларда яратилган шарт-шароитлар, имтиёзлар ва имкониятларни келтиришимиз мумкин. Сўнгги йилларда хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда хизматлар экспортини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли хизматлар соҳасидаги хусусий бизнес вакилларида ташқи савдони ривожлантириш ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларини ўрганиш долзарб масалалардандир.

Адабиётлар шарҳи

Иқтисодий фанлар асосчиси Адам Смит меркантилизм назариясини қаттиқ танқид остига олади. У ва унинг давомчилари эркин савдо халқаро савдо иштирокчиларининг барчаси учун муҳим ва фойдалидир, аммо хўжалик

юритиш жараёнларига давлатнинг фаол аралашуви мамлакат иқтисодиёти учун зарарлидир деб таъкидлашади [2].

Иқтисодчи олим Ж.Сакснинг фикрича “дунёдаги ҳар қандай давлатнинг иқтисодий муваффақияти ташқи савдода кўринади. Ҳозирги кунга қадар ҳеч бир мамлакат жаҳон иқтисодий тизимидан ажралган ҳолда соғлом иқтисодиётни ҳосил қила олгани йўқ” [3].

Халқаро савдо оқими ва унинг таркибини Эли Хекшер ва Бертил Олинлар ўз қарашларида акс эттириб, “у ёки бу давлатнинг маълум бир товарларга ихтисослашишини уларнинг ишлаб чиқариш омилларига эгалик даражасига боғлиқдир” дейилган ҳулосага келишган ва улар “нархларнинг ишлаб чиқариш омилларига тенглаштириш” [4] назариясини илгари сурдилар.

Ягдиш Н. Бхогвоти маълум бир шароитларда экспортга йўналтирилганликнинг ошиши савдо шароитининг етарлича ёмонлашувига олиб келишлигини, натижада реал даромад пасайиши келиб чиқишлигини исбот қилди [5].

Ташқи савдо, ташқи савдо сиёсати, ташқи савдо стратегиялари ва унга боғлиқ назарий ва амалий масалалар сўнгги йилларда турли ёндашувларга таянган ҳолда ривожланиб бормокда. Бу тадқиқотлар замонавий иқтисодиётларда юзага келаётган янги вазият ёки ҳолатлар, тенденцияларни ўрганиш натижалари ҳисобланади. Масалан, В.В.Соколов “экспорт - товар, хизматлар, интеллектуал мулк натижалари, шу жумладан уларга доир мутлақ ҳуқуқларни божхона ҳудудидан хорижга қайтариб олиб келиш мажбуриятисиз олиб чиқишдир” [6], деб ҳисоблайди.

В.Панков халқаро савдонинг замонавий хусусиятларини тадқиқ этар экан, 7 та жиҳатга алоҳида эътибор қаратади. Булар илм-фан ва техника тараққиёти таъсирида маҳсулот ҳамда хизматлар савдоси ҳажмининг кескин ортиши, халқаро савдода ривожланаётган мамлакатлар салмоғининг қисқариб бораётганлиги, фан ва техника тараққиёти таъсирида жаҳон экспортининг товар таркибидаги фан сиғимкорлиги юқори бўлган маҳсулот ва хизматлар улушининг ортиб бориши, ташқи савдо айланмасининг жон бошига баҳоланган қийматининг нотекис тақсимланаётганлиги, янги тармоқ ва ишлаб чиқаришларнинг вужудга келаётганлиги, борган сари кўпроқ мамлакатларнинг алоҳида маҳсулотлар гуруҳи импортига боғлиқлигининг ортиб бориши ва ташқи бозорда ортиқча маҳсулотни сотишдан турли мамлакат корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари асосида аввалдан келишилган ҳолда маҳсулотни етказиб бериш шаклига ўтиш кабиларни таъкидлаш лозим [7].

Булатова А.С. ва Ливенцева Н.Н.лар ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини тадқиқ этиб, уни баҳолашда 10 та кўрсаткични ажратиб

кўрсатади. Шу билан бирга, улар ташқи савдони тартибга солишнинг устувор йўналишларини ҳам таҳлил қилишади [8].

Ташқи савдо фаолиятини тўғри режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш ва амалга ошириш, аниқлигига эришиш учун таснифлаш лозимлигини таъкидлаган иқтисодчилардан бири бу Н.Ивановдир. Унинг фикрича, таснифлаш деганда халқаро тижорат келишувини олди-сотди ва товар алмашиш келишувларига ажратиш мумкин. Ташқи савдо операцияларини амалга ошириш характери ва предметига кўра тайёр маҳсулотлар, йиғилмаган кўринишдаги маҳсулотлар, эскирган ускуналар, хомашё, лицензиялар савдолари ҳамда бартер операциялари ва инжиниринг хизматларини кўрсатиш кабилардан иборат бўлади [9].

А.Ваҳобовнинг фикрича, “иқтисодий фаолиятга бевосита ва билвосита аралашуви жараёни экспорт ва импорт ҳажми ва таркибига таъсир кўрсатиш орқали ички бандлиликни таъминлаш, иқтисодий ўсишга эришиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, тўлов балансини яхшилаш ҳамда валюта курсини тартибга солиш мақсадларини кўзда тутати” [10]. Олимнинг таъкидлашича, савдо сиёсати – бюджет солиқ сиёсатининг, ташқи савдо ҳажмларини солиқлар, субсидиялар, валюта назорати ва импорт ёки экспортни тўғридан-тўғри чеклашлар орқали тартибга солишни ўз ичига олган, умумий иқтисодий сиёсатнинг нисбатан мустақил йўналишидир.


Тадқиқот методологияси

Хусусий бизнесда ташқи савдони ривожлантириш ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларини хизматлар соҳасидаги корхоналар мисолида ўрганишда турли тадқиқот методларидан фойдаланилган. Хусусан, турли тадқиқотчиларнинг ёндашувларини ўрганишда танланма кузатув, анализ, синтез каби усуллари қўлланган. Шунингдек, таҳлилларни амалга оширишда қиёсий ёндашув, илмий гипотезалаш, индукция каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Хизматлар соҳасининг ривожланиши ҳозирги замон иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Хизматлар соҳасида илмий билимлар, номоддий шаклдаги тўпламлар, ахборот технологиялари ва тадбиркорлик фаолияти интеграцияси каби иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари шаклланмоқда. Иқтисодиётнинг ушбу сектори турли хил фаолият турларини ўз ичига олиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Ушбу фаолиятнинг якуний натижаси тайёр маҳсулот эмас, балки кўрсатилган хизматлардир. Хизматлар нафақат корхоналарга, балки жисмоний шахслар - якуний истеъмолчиларга ҳам кўрсатилиши мумкин.

Инновацион технологияларни жорий этиш ва анъанавий хизматларни ривожлантириш бўйича аниқ мақсадли комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ишлаб чиқарилган бозор хизматлар ҳажмини ошишига олиб келади. Шу сабабли бугунги кунда мамлакатимизда рақамлаштириш соҳасидаги хизматлар экспортини йўлга қўйиш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Мазкур йўналишни ривожлантириш мақсадида қатор чоралар амалга оширилиши белгиланган. Хусусан, рақамли технологиялар соҳасида фаолият юритувчи корхоналарнинг жаҳон бозорларига чиқиш имкониятларини янада кенгайтириш, рақамли технологияларни қўллаган ҳолда хизматлар экспорти билан шуғулланувчи хорижий компанияларни мамлакатимизга кенг жалб этиш, соҳада экспорт ҳажмини оширишга қаратилган қўшимча қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш, шунингдек, “Ўзбекистон-2030” стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қуйидагилар белгиланган (1-расм).



1-расм. ИТ парк томонидан рақамли хизматларни экспорт қилиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чоралар [11]

1-расмда ИТ парк томонидан рақамли хизматларни экспорт қилиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чоралар акс эттирилган бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ИТ-саноатни ривожлантириш, аҳолини юқори даромадли иш ўринлари ва замонавий касблар билан таъминлаш, шунингдек, ҳудудларга ИТ-хизматлар экспорт қилувчи корхоналарни кенг жалб қилишга қаратилган дастурни (Zero Risk) жорий этиш ҳамда маҳаллий бозор учун ИТ хизматлар кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи корхоналарни халқаро ИТ бозорга олиб чиқиш, уларнинг экспорт

фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича лойиҳани (Local to Global) амалга ошириш белгиланган.

1-жадвал

“Local to Global” лойиҳаси доирасида хорижий ҳамкорлар билан бизнес музокаралар ўтказиш мақсадида уларнинг мамлакатимизга ташрифини ташкил этиш бўйича IT парк резиденти бўлган ташкилотларнинг 50 фоизгача харажатларини қоплаш миқдорлари [11]

T/p	Лойиҳа доирасида иштирок этадиган IT-парк резидентининг амалда экспорт қилган хизматлари ҳажми	Қоплаб бериладиган харажатлари миқдори
1.	200 минг АҚШ доллари ва ундан юқори эквивалентда	20 минг АҚШ доллари эквивалентида
2.	150 минг АҚШ долларидан 200 минг АҚШ долларигача эквивалентда	15 минг АҚШ доллари эквивалентида
3.	100 минг АҚШ долларидан 150 минг АҚШ долларигача эквивалентда	10 минг АҚШ доллари эквивалентида
4.	50 минг АҚШ долларидан 100 минг АҚШ долларигача эквивалентда	5 минг АҚШ доллари эквивалентида

“Local to Global” лойиҳаси доирасида хорижий ҳамкорлар билан бизнес музокаралар ўтказиш мақсадида уларнинг мамлакатимизга ташрифини ташкил этиш бўйича IT парк резиденти бўлган ташкилотларнинг 50 фоизгача харажатларини қоплаш миқдорлари қатъий белгиланган бўлиб, 1-жадвал маълумотларига кўра лойиҳа доирасида иштирок этадиган IT парк резидентининг амалда экспорт қилган хизматлари ҳажмига нисбатан камида 10 фоиз харажатларни қоплаб бериш назарда тутилган.

IT паркнинг тавсияномасига асосан бўш турган давлат қўчмас мулк обектлари, Рақамли технологиялар вазирлиги тизимидаги ташкилотлар ҳамда IT парк филиалларининг давлат мулки бўлган бўш бинолари ва майдонлари (хоналари) бир йилгача муддатга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилади

IT парк томонидан харид қилинган янги компьютер, бошқа техника ва жиҳозлар бир йилгача муддатга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида, кейинчалик улар 3 ойлик даврда фойсиз бўлиб тўлаш (харид қилиш) шarti билан тақдим этилади

Иш ҳақи харажатлари меҳнат фаолиятини амалга оширувчи ходимлари сонига мутаносиб равишда бир йил муддатда 15 фоизгача миқдорда қоплаб берилади

Инсон ресурсларини ривожлантириш йўналишида бир календар йил давомида битта корхонанинг қуйидаги харажатлари қоплаб берилади

2-расм. IT хизматлар экспорт қилувчи корхоналарни кенг жалб қилишга қаратилган қўллаб-қувватлаш йўналишлари [11]

2-расмда IT хизматлар экспорт қилувчи корхоналарни кенг жалб қилишга қаратилган қўллаб-қувватлаш йўналишлари берилган бўлиб, унга кўра “Zero Risk” дастурида иштирок этувчи корхоналарга IT паркнинг тавсияномасига асосан бўш турган давлат кўчмас мулк объектлари, Рақамли технологиялар вазирлиги тизимидаги ташкилотлар ҳамда IT парк филиалларининг давлат мулки бўлган бўш бинолари ва майдонлари (хоналари) бир йилгача муддатга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилиши, IT парк томонидан харид қилинган янги компьютер, бошқа техника ва жиҳозлар бир йилгача муддатга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида, кейинчалик улар 3 ойлик даврда фоизсиз бўлиб тўлаш (харид қилиш) шарти билан тақдим этилиши, иш ҳақи харажатлари меҳнат фаолиятини амалга оширувчи ходимлари сонига мутаносиб равишда бир йил муддатда 15 фоизгача миқдорда қоплаб берилиши ҳамда инсон ресурсларини ривожлантириш йўналишида бир календар йил давомида битта корхонанинг қуйидаги харажатлари қоплаб берилиши белгиланган.

2-жадвал

2024 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида рақамлаштириш соҳасидаги хизматлар кўрсатишни ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари [11]

Т/р	Худудлар ва масъул ташкилот	2024 йилда IT-хизматлар экспорти режаси (млн долларда)	шундан чораклар кесимида (млн долларда)				Инглиз тилига ўқитиладиган мутахассислар сони (сўзлашув бўйича C1 даражасида)	Немис ва бошқа тилларга ўқитиладиган мутахассислар сони (B2 даражасида)
			I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак		
Республика бўйича		1 010	142,8	198	300	369,2	60 000	10 000
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	15	2	3	4,5	5,5	2 700	450
2.	Андижон вилояти	50	7,5	10	15	17,5	5 100	850
3.	Бухоро вилояти	40	6	8	12	14	3 300	550
4.	Жиззах вилояти	50	7,5	10	15	17,5	2 100	350
5.	Қашқадарё вилояти	20	3	4	6	7	5 100	850
6.	Навоий вилояти	20	2	4	6	8	2 400	400
7.	Наманган вилояти	20	2	3	6	9	5 100	850
8.	Самарқанд вилояти	50	7,5	10	15	17,5	7 200	1 200
9.	Сурхондарё вилояти	20	2	4	6	8	4 500	750
10.	Сирдарё вилояти	20	2	4	6	8	1 800	300
11.	Тошкент вилояти	35	5,3	7	10,5	12,2	6 600	1 100
12.	Фарғона вилояти	20	3	4	6	7	6 600	1 100
13.	Хоразм вилояти	50	3	7	12	28	3 600	600
14.	Тошкент шаҳри	100	15	20	30	35	3 900	650
15.	IT парк	500	75	100	150	175	-	-

2-жадвалда мамлакатимиз бўйича рақамли хизматларни экспорт қилиш имкониятларини яхшилашга қаратилган чораларни амалга ошириш ҳамда эришилиши лозим бўлган кўрсаткичлар акс эттирилган.

Хулоса

Хизматлар соҳасидаги хусусий бизнес вакилларида ташқи савдони ривожлантириш ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларини ўрганишда қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин. Биринчидан, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда хусусий бизнеснинг ўрни юқори бўлганлиги сабабли хусусий бизнес фаолиятини тартибга солиш механизмларини соддалаштириш зарур. Иккинчидан, хизматлар соҳасидаги корхоналар мисолида таъкидлаш лозимки, хизматлар соҳасидаги хусусий бизнесни кучайтириш, уларни ташқи савдога жалб қилиш ва экспорт салоҳиятини ошириш лозим. Хизматлар экспорти ишлаб чиқариш экспортидан кўра самаралироқ эканлигини ривожланган мамлакатлар мисолида кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Олий мажлисга мурожаатномаси” 2017 йил 22 декабрь.
2. Adam Smith. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. A selected Edition. Edited with an Introduction and Notes by Kathrun Sutherland. –Oxford University Press. 1998. 618 pp
3. Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари. Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон, 38-б.
4. Ломакин В.К. Мировая экономика. Практикум: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям и направлениям / В.К. Ломакин. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007
5. Т.Мамаджанова. Ўзбекистонда ташқи савдо ва унинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали, №4, июль-август, 2018. https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/14_Mamadjanova.pdf
6. Соколов В.В. Тенденции развития мировой товарной торговли // Мировая экономика и международные отношения. – М.: 2011. - № 2. - С. 40-47.
7. Паньков В. Глобализация экономика. // Мировая экономика и международные отношения. – М.: 2011. - № 1. - С. 16-28.
8. Булатова А.С., Ливенцева Н.Н. Мировая экономика и международные экономические отношения: учебник. – М.: Магистр, 2010. – С. 183-188.

9. Иванов Н. Инновационная сфера: контуры будущего. // Мировая экономика и международные отношения. – М.: 2010. - № 5. - С. 44-51.
10. Vaxabov A.V., Tadjibayeva D.A., Xajibakiyev Sh.X. “Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar”. – T.: Baktريا press, 2015. - 548 bet.
11. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Mamlakatimizda raqamlashtirish sohasidagi xizmatlar eksportini rivojlantirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida” PQ-87-son Qarori. 26.02.2024. <https://lex.uz/docs/-6816000>